

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2021-YIL 6-AVGUST, JUMA * № 32(1349)

Пленум



ПАРТИЯ МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Жорий йилнинг 5 август куни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мазкур Пленум "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштирокидан келиб чиқиб, тегишли вазифаларни белгилаб олишга бағишланди.

Маълумки, 23 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида Президент сайлови раъсман шарт берилишига оид қарор қабул қилинди. Унга кўра, сайлов кампанияси 23 июлдан бошланиши эълон қилинди ҳамда сайлов куни этиб 24 октябрь санаси белгиланди.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён — сайлов арафасида турибди. Юртимизда навбатдаги Президентлик сайлови янгича руҳ, янгича шароитда ўтиши кутилмоқда. Пленумда маърузачилар томонидан сайловда муносиб иштирок этиш учун партия салоҳияти етарлиги, галдаги бош вазифа сайлов жараёнларида яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш эканлиги таъкидланди. Буларни инобатга олган ҳолда Пленумда

Сиёсий Кенгаш аъзолари бир овоздан "Адолат" СДПнинг бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Қурултойга партиядан номзодни таклиф қилиш масаласи кўриб чиқилди. Сиёсий Кенгаш аъзолари томонидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдурахимович Абдухалимов номзоди илгари сурилди. Пленум иштирокчилари бўлажак номзодни бир овоздан қўллаб-қувватлаб, навбатдаги Қурултой муҳокама-сига кириштириш бўйича қарор қабул қилишди.

Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" СДП номзодининг



сайловолди дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича партия экспертлар гуруҳи таркиби шакллантирилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Пленумда "Адолат" СДПнинг Х Қурултойини чақириш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида келишиб олинди. Қурултойга делегатлар сайлаш масаласида партиянинг

худудий, туман (шаҳар) конференцияларини ўтказиш ҳамда худудий партия ташкилотларидан делегат-

лар сайлаш миқдори ва тартиби тўғрисидаги масала ҳам Пленум иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Йиғилишда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ижроия қўмитаси таркибига қисман ўзгартиришлар киритилди.

Пленум кун тартибидagi барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати



ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИ

Яна санокли кунлардан кейин Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Ўйласанг, одамнинг юраги хаприкчиб кетади. Ахир, муқаддас байрам — энг улуғ, энг азиз байрамимиз. Юртимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг овоз ва обод яшashi, ҳуқуқ ва эркинликлари, иззат-ҳурмати ва кадр-қимматининг кафолатига айланган миллий мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги! Ҳа, халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва ниҳоят XX аср сўнгида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлади!

Очиги, бу муддат тарих учун жуда катта бўлмаса-да, халқимиз ҳаётида катта из қолдирган муддат. Чунончи, бу йиллар биз учун фақуллодда ўзгаришлар, тикланишлар, ислохотлар, энг муҳими, жафоқаш халқимизнинг ўзини, ўзлигини англаш, ўзини, ўзлигини таниш йиллари бўлди.

Кишини мамнун этадиган яна бир жиҳати, биз истиқлол йилларида Ўзбекистонимизда кўп миллатли халқимиз онг-шуурида, қалбида янгича дунёқараш шаклланишининг ҳам бевосита, ҳам билвосита гувоҳи, айни пайтда, бу жараённинг фаол иштирокчисига айландик.

Албатта, осон кечмади.

Зеро, ўз-ўзидан ҳеч бир меҳнатсиз, машаққатсиз бирон натижага эришиб бўлмаганидек, мустақилликни мустақамлаш ҳам осон кечмади. Қанчалик мураккаб ва оғир синовларга дуч келмасин, мард ва матонатли халқимиз ўзининг мустақам иродасини намоён этиб, мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда. Айниқса, кейинги беш йил ичида ҳаётга татбиқ этилган кенг миқёс ва кўламдаги оламшумул ислохотлар самараси ўларок, Янги Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, замон талаблари билан ҳамнафас навқирон авлод буй чўзди.



ОЧИҚ ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

СЭСларда



тиббий хизмат аҳволи қониқарлими? 3

ҚАЁҚҚА КЕТАЯПСАН, ДУНЁ?!

Орамизда ўзи тиланчилик қилишга мажбур этган, тирик онасини ўлдига чиқариб, моддий ёрдам ундирган аёл яшайди 4



Оғрик нуқталаримиз

1980 йилда туғилган, Қарши шахрининг "Шайхали" маҳалласида истиқомат қилувчи Озода Ҳимматова меҳнатга лаёқатли бўлса ҳам ҳеч қачон ишламайди. 5 фарзанди бор, 2 неварали. Икки фарзанди мактабда таҳсил олади. II гуруҳ ногирони бўлган яна бир боласи давлатимиз томонидан нафақа билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда О.Ҳимматова уч фарзанди билан бирга Қарши шахридаги ижтимоий ётоқхонадан онасига берилган барча имконият ва шарт-шароитларга эга 3 хонали уйда истиқомат қилади. Эътибор беринг, давлат онасига ажратган уйда яшайди! Ва... "Давлатдан яна пул ундир!.. Ҳокимиятдан пул ол!" деб... аравачада ўтирадиган ногирон онасини калтаклайди! Куппа-кундуз кун! Вилоят касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси ёнида!..



ҚАЁҚ ҚА КЕТАЯПСАН, ДУНЁ?!

Ижтимоий тармоқларда

АСОССИЗ ХАБАРГА асосли жавоб

Яқинда "Сирдарё вилояти Оқолтин тумани шифохонасида бир дона кондиционер йўқ. Хоналар харорати иссиқликдан шифокорлар ҳам касал бўлаяпти. Коронавирус таҳлили учун ҳатто оддий қўлқоп етишмайди. Раҳбарият 65/35-қарор бўйича шифокорларга устама ҳақ тўламаяпти" мазмундаги видеохабар ижтимоий тармоқларда шов-шув келтириб чиқарди.

Мазкур ҳолат юзасидан "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, муаммо жойига чиқиб ўрганилди. Урганишлар жараёнида видеохабарда келтирилган важлар тасдиғини топмади. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона, унга ёндош бинода жойлашган кўп тармоқли марказий поликлиникада беморлар, тиббий кўрикка келган фуқаролар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хона харорати ҳам меъёрида. Деярли барча хоналарга кондиционерлар ўрнатилган. Реанимация, диагностика, туғуруқ бўлимлари ҳамда жаррохлик блокларида ёзда совитадиган, қишда иситадиган замонавий ускуналар мавжуд.

Қўлқоп ҳамда керакли сарфлов материаллари бўйича лаборатория бўлимида ҳеч қандай муаммо йўқ. Устама маблаглари ҳамда мукофот пуллари ходимларга ўз вақтида тўлаб берилмоқда. "Шифохона жихозларини раҳбар ўз хусусий клиникасига олиб кетган" деган гаплар ҳам ҳақиқатдан йироқ. Демак, жўжани ёзда эмас, кузда санайдиган блогер асоссиз гап-сўзларни тарқатган бўлиб чиқмоқда.

Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Орамизда ўзи тиланчилик қилишга мажбур этган, тирик онасини ўлдига чиқариб, моддий ёрдам ундирган аёл яшайди

Бунга ишонгингиз келмайди. Аммо ижтимоий тармоқларда тарқалган видеода ҳаммаси кўриниб турибди. Афсуски, бу боқимандалик, текинхўрликдек ярамас касалликка чалинган, ишласан тишлашни хуш кўрадиган фарзанднинг ўз онасига биринчи марта қўл кўтариши эмас...

“ХАР БИР НАРСАНИНГ ЎЗ САЛМОГИ, ЎЛЧОВИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ЧЕК-ЧЕГАРАСИ БЎЛИШИ КЕРАК. ИНСОН ЎЗ НОМИГА ЛОЙИҚ БЎЛИШИ, ОИЛАСИ, ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН ЖОН КУЙДИРИШИ, ТУҒИЛИБ ЎСГАН ОНА ЮРТИ УЧУН НАФИ ТЕГИШИ ЛОЗИМ. ЎЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАН ОДАМ ЎЗГАНИ ХАМ ҲУРМАТ ҚИЛАДИ. ХАР БИР ИНСОН ДАВЛАТИМИЗГА, ҲУКУМАТИМИЗГА ФАҚАТ ЎЗ МАНФАТИНИ ЎЙЛАБ МУРОЖААТ ҚИЛАВЕРМАСДАН, БАЛКИ УНИНГ ЮКИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШГА ЎЗИНИНГ ВА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ХАМ ОЗ БЎЛСА-ДА, ФОЙДАСИ ТЕГИШИ, ЛОАҚАЛ БОКИМАНДА БЎЛМАСДАН, БОЛАЛАРИ БИЛАН ҲАЛОЛ МЕХНАТ ҚИЛИБ, ЎЗ АРАВАСИНИ ЎЗИ ТОРТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ КЕРАК ЭМАСМИ?!

мий вазията тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан уй-жой ажратилган бўлиб, кейинги тўловларни тўлашга имкони йўқлиги бос, 2021 йил 21 январь ойдаги 3-сонли тўлов топшириқномасига асосан Қарши шаҳар "Ипотека банк" АТИБ Қашқадарё вилоят филиали томонидан 28 миллион 634 минг 93 минг сўм маблаг ҳамда Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 0,2 сотих уй-жой куриш учун ер ажратиб берилган...

Хуллас, бу оилга жами нақд пул шаклидаги моддий ёрдамлар (ойма-ой берилган ёрдамлар) 56 миллион сўмдан ошди.

Инсоф билан мулоҳаза қилиб қаралса, ҳукуматимиз томонидан бир оила учун берилган бундай маблаг ўз меҳнати билан оиласини боқиб турган ота-оналар топаётган даромаддан кўп бўлса кўпми, асло кам эмас!

Бир оилга шунчалик ёрдам бераётган давлатимизга минг раҳматлар дегинг келади...

Ҳар бир нарсанинг ўз салмоғи, ўлчови, қадр-қиммати ва чек-чегараси бўлиши керак. Инсон ўз номига лойиқ бўлиши, оиласи, фарзандлари учун жон куйдириши, туғилиб ўсган она юрти учун нафи тегиши лозим. Ўзини ҳурмат қилган одам ўзгани ҳам ҳурмат қилади. Ҳар бир инсон давлатимизга, ҳукуматимизга фақат ўз ман-

хонага ётқизади-ю, унинг аҳоли билан қизиқмасдан Қаршига кетиб қолади ва тирик онасини ўлдига чиқариб, ҳокимликдан пул ундирди. Унинг бу пасткашлигини қандай баҳолаш мумкин? Кекса волидаи муҳтарамасининг пойини тавоф қилиб, дуосини олиш ўрнига унга ваҳшийларча муносабатда бўладиган, оқ сут бериб улгайтирган волидасини пул топиш манбаига айлантирган бундай аёл фарзанд деган номга, умуман, инсонлик мақомига лойиқми?

Яна бир мулоҳаза: ижтимоий тармоқларда тарқалган видеога эътибор берган бўлсангиз, О.Ҳимматова катта кўчада, одамларнинг кўз остида волидаи муҳтарамасини калтаклаганини кўриб, бу ҳолатдан яна бир хулоса чиқариш мумкин: у кўчада-ки шу даражада жоҳилликка бордини, уйда бу онахонинг аҳоли қандай кечиниши ўйлаб, кишининг юрагига ваҳима оралайди. Шу босиб биз онахонни "Саховат уйи"га жойлаштириш масаласида ҳуқуқ-тартиб идораларига муурожаат қилдик.

Уша, юртдошларимизнинг вужудига аламли титроқ солган, нафратини қўзғатган видеода бир ҳолат бор: онасини тارسаклаб, ҳақоратлар ёғдираётган Озоданин ёнида 9-10 ёшли қизалоғи ҳам бор. Қизалоқ онасининг бувисини калтаклашга эътиборсизлик билан, ажабланмасдан, қўрқмасдан, ҳайқимасдан бепарволик билан қараб, ўзича ўйнаб турибди. Бу қизалоқнинг бундай ҳолатини кўравериб кўзи ўрғани кетганидан, унга раҳм-шафқат туйғуси бегоналигидан дарак беради. Агар аксинча бўлганда эди, йиллаб онасининг қўлига ёпишмасмиди?!

Бир нима дейишга тил, ёзишга қалам ожиз...

Тан олайлик, бугун айрим шаллақчи аёллар томонидан расмий идораларга тиланчилик қилиб боравериш, ўртага ногирон яқинларини тикиш, "шантаж"га зўр бериш иллати тобора гасаклаб, йиринглаб бормоқда. Бу иллатнинг олдини вақтида олмасак, бўлмайди, азизлар. Ахир, маддалаган ярани ҳам кесиб, олиб ташлайдилар-ку...

Ораса ТОШЕВА, Қарши шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси,
"Адолат" СДП Республика "Аёллар қаноти" кенгаши аъзоси

RS. Газета саҳифаланаётганда Қашқадарё вилояти ИИБ ахборот хизмати фарзанди томонидан калтакланган 70 ёшли О.Мингбоевага ҳимоя ордери берилганини маълум қилди.

Адолат тарозиси

ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Андижон шаҳар адлия бўлими томонидан "ISTIQLOL QURUVCHI ELIT" МЧЖ раҳбари М.Ҳожимуратовнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган муурожаати ўрганиб чиқилди.

рўхсат бериш тўғрисида"ги 232-қ-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарор асосида "ISTIQLOL QURUVCHI ELIT" МЧЖ томонидан бузилишга тушган кўп қаватли турар жой мулкдорлари билан музокаралар ўтказилиб, 2019 йилда уч томонлама (ҳокимлик, мулкдор, МЧЖ) келишув шартномалари имзоланган, келишув асосида 9 нафар мулкдорга бошқа уй-жойлар олиб берилган, 11 нафари билан янги қурилаётган кўп қаватли ту-

рар жойдан квартира ажратишга келишилган, вақтинча ижарага квартира олиб берилиб, ижара пуллари ойма-ой тўлаб келинган.

Андижон вилоят қурилиш бош бoshқармасининг архитектура режалаштириш топшириғи асосида 7 қаватдан кам бўлмаган, 1-қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, юқори қаватларини турар жой бизнесига мослаб қурилиш ишларини бошлаш учун эски бино бузилаётган вақтда "ISTIQLOL QURUVCHI ELIT" МЧЖни оғохлантирмасдан, тадбиркордан қурилишни амалга оширишдан икхтиёрий воз кечиш ҳақида ёзма розилик хати (ариза) олинмасдан, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 18 октябрдаги 786-қ-сон қарори билан юқоридagi 232-қ-сон қарори бекор қилинган. 2020 йил 8 майдаги 228-қ-сон қарори билан эса "XON SAVDO SANOA" МЧЖга худди шу манзилда яшовчи оилаларни белгиланган тартибда кўчириб, эски бинони бузиб, ўрнига замонавий лойиҳа

ассосида кўп қаватли турар жой биноси қуришга ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашга рухсат берилган.

Шаҳар ҳокимининг 2020 йил 8 майдаги қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, Вазиirlар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талаблари қўпол равишда бузилиб, компенсация тури, миқдори ва бериш муддатини келишилмасдан, мулкдорлар билан эзма шаклда уч томонлама нотариал тартибда тасдиқланган келишув шартномалари тузилмасдан, бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни адлия бўлими билан келишмасдан ва ижобий хулоса олинмасдан қабул қилинган.

Адлия бўлими томонидан ушбу ҳолат бўйича дастлаб 2020 йил 29 декабрда аниқланган қонунбузилиш ҳо-

латларини бартараф этиш, шаҳар ҳокимининг қорондаги қарорини бекор қилиб, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш сўралган бўлса-да, адлия органининг қонуний талаблари бажарилмаган.

2021 йил 14 апрелда Андижон туманлараро маъмурий судига адлия бўлими томонидан "ISTIQLOL QURUVCHI ELIT" МЧЖ маффаатини кўзлаб, жавобгар Андижон шаҳар ҳокимининг 2019 йил 18 октябрдаги 786-қ-сонли қарорининг 2-банди "ISTIQLOL QURUVCHI ELIT" МЧЖга тегишли қисмини ҳамда 2020 йил 8 майдаги 228-қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ариза киритилди. Суднинг 2021 йилнинг 4 июнь кунги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, шаҳар ҳокимининг ноқонуний қарори бекор қилинди.

Озодбек ҒОҒУРОВ,
Андижон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Энергетика вазирлиги диққатига!

МАҚСАД — ҚУЛАЙЛИК ЯРАТГИШИМИ ЁКИ ҚИЙИНЧИЛИК ТУҒДИРИШ?

Бугун фаолият олиб бораётган деярли барча ташкилотларнинг "ишонч телефони" рақамлари мавжуд бўлишига қарамадан, улар билан фуқароларнинг боғланиши жуда мушкул...

Яқинда айнан шу мавзунини қизикчиларимиз телеэкранга олиб чиққанидан билиш мумкинки, улар ҳам репертуаринини ҳаётдаги реал воқеа-ҳодисалар асосида бойитиб, кенгайтириб боришади.

Шу ўринда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида фуқаролар маълумот олиши учун жорий қилинган тизимга тўхталсак, муаммо нима экани ойдинлашади...

Керак. Кейин "свет" ўз-ўзидан ёнади. Аммо бу айтишга осон, аслида эса жуда қийин экан. Электр учун "Paynet" орқали 100 минг сўм тўладим...

Қайта улаши керак эди. Орадан 1 соат ўтганига қарамадан негадир уйимда "свет" ёнмади. "1154" рақамига кўнғироқ қилдим...

Электр энергиясининг ўчиши ҳақида маълумот олиш учун 1 рақами босинг!

Электр энергиясининг тўлови ҳақида маълумот олиш учун 2 рақами босинг!

Бошқа маълумотларни олишда оператор билан боғланиш учун 3 рақамини босинг!

Сизнинг тартиб рақамингиз 50... Айтилган сўзларни тинглаб, ўзимга керакли рақамларни босиб, тартиб рақамимни билганимдан кейин мусиқа садолари эшиттирилиб...

латда "электросет"дан узилган". Яна қайтадан "1154" рақамига кўнғироқ қилиб, узундан-узоқ кўрсатмаларни бажариб, 50 рақамини 1 етиб келгунча мусиқа садоларини эшитиб...

Хуллас, узоқ давом этган асаббузарлиги овозрағарчиликлардан кейин шундай хулосага келдим:

Худудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти қошидаги электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишни автоматлаштирилган тизими истеъмолчилар учун қулайлик эмас, бош оғриғи, кўп вақтини оладиган, асабини эволайдиган, телефонидоғулуни шилладиган тизим экан.

Хулоса ўрнида айтганда, "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти мутасаддилари, мутахассислари замонавий технологияларни ушбу тизимга оқилона жорий этиб, истеъмолчи доим ҳақ тамойилига биноан иш туттишса, мақсадага мувофиқ бўларди.

Суюндик МАМИРОВ, "Adolat" муҳбири

ТАРТИБ РАҚАМИМ 50 ДАН КАМАЙИБ, 1 ГА ЕТИБ БОРГУНЧА ХЎП МУСИҚА ЭШИТДИМ... ВА НИХОЯТ БИР СОАТ ДЕГАНДА ОПЕРАТОР БИЛАН БОҒЛАНИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИМ. УНГА ЯШАШ МАНЗИЛИМНИ, "АҚЛИ" ҲИСОБЛАГИЧ РАҚАМИНИ, ҚАРЗИМНИ ТЎЛАГАННИМНИ АЙТДИМ. ОПЕРАТОР БУЛАРНИ ТЕКШИРИБ ТАСДИҚЛАДИ. «БИЗДАГИ КОМПЬЮТЕРДА ХОНАДОНИНГИЗ ЭЛЕКТРГА УЛАНИБ ТУРИБДИ. ЁНМАГАН БЎЛСА, «ЖЕК»-ДАН ЭЛЕКТРИКНИ ЧАҚИРИНГ», ДЕДИ.



Ҳаёт ўзингни топидан эмас, ўзингни яратилишидан иборат. Бернанд ШОУ

САБОК КИТОБ — ҲАММА НАРСАНИНГ БОШИ Миллиардер иложи борича кўпроқ ўқишни тавсия этади Хитойлик машҳур тадбиркор, Alibaba Group асосчиси Жек Ма (Ма Юнь) дунёдаги энг бой илгирма кишидан бири ҳисобланади...

Мутолаа

МАХФИЙ МАҲКАМА

ёхуд қонунсиз қамалганлар қиссаси

Яқин ўтмишда рўй берган адолатсизликлар, миллатчилик ва инсон ҳуқуқларини менсимаслик каби унсурлар, мустабид тузум давридаги сўнги катагон — "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган уйдирмалар мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан ниҳоя топти.



Ҳа, шўролар давридан халқимиз кўрган талофатлар талайгина. Улардан бири адабиёт илосмандларига яқиндан таниш бўлган, 1969 йилдан 2013 йилга қадар прокуратура органларининг масъул лавозимларида, жумладан, алоҳида муҳим ишлар бўйича тергов қисмларида ишлаган Исматилло Йўлдошевнинг "TURON NASHR" нашриетида чоп этилган "МАХФИЙ МАҲКАМА ёхуд қонунсиз қамалганлар қиссаси" асарига очиқ берилган.

Мазкур қиссада адиб томонидан ишончли маълумотлар, тарихий ҳужжатлар, аниқ мисоллар келтирилган бўлиб, асар ўқувчисининг қалбини ларзага солади. Собىқ ҳукмрон тузум ўривонлиги, марказдан юборилган ҳамда маҳаллий тергов органлари вакиллари билан тўлдирилган "десантчилар" гуруҳи, уларнинг ғайриқонуний ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари акс этган асарини ўқир экансиз ёвуз қулларнинг қонуни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорларига нисбатан нафратингиз ошиб боради.

Ҳа, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси И.Йўлдошев умрининг охири йилларида ёзган мазкур китобида ўтган кунлар, халқимиз бошига тушган тухматлару оғир маломатлар, Гдлян, Иванов ва улар гуруҳига кирган қонунбузар терговчиларнинг ҳақиқий башаралари тўғри ва холисона очиқ берилган бўлиб, кечаги кундан беҳабар ёшлар учун мустақилликнинг кадр-қиммати белгилаб беради.

Адибнинг хотираларини ўқир экансиз, терговчи юқори процессуал лавозим эгаси сифатида фақат ва фақат қонуний йўл билан аниқланган ҳамда инкор этиб бўлмаган далилларга асосланган ҳолда иш олиб бориши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб, шундан кейингина узил-кесил хулосага келиши лозим бўлса-да, Гдлян, Иванов ва улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ўз фаолиятида ушбу талабларни кўпол тарзда бузиб, қонунларни сурбетларча оёқости қилганлигига ғувоҳ бўласиз. Бу ёвуз қимсалар ўз муддаоларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздариб, юзлаб юртдошларимизни қамашганидан хабар топасиз. Гдлянчилар ўзларича уйдирма айб қўйиб қамалган кишиларини отувга ҳукм қилиши билан кўрқитиб, "айбига" иқдор қилдирганларидан, пора берганлиги тўғрисида сохта кўргазмалар олганларидан нафратланасиз.

Китоб халқимиз бошига тушган мудҳиш кунларнинг асл моҳиятини далиллар асосида очиқ берган. Унда Гдлян ва Иванов процессуал нормаларни яхши билмагани, айниқса, Ўзбекистон қонунларини тан олмаслиги баён этилади. Тергов гуруҳига кирган терговчилар эса ўз бошлиқларининг измидан чиқмасдан, топшириқларни кўр-кўрона бажарувчи, мансабпараст, ном чиқариш учун тўғри келган қабохатлардан тоймайдиган шахслар эканлиги кўрсатиб берилган.

Албатта, юртимизнинг кўплаб асл фарзандлари қонунбузар терговчиларнинг кирдикорларини фош қилиш, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун зарур қораларни кўрган. Китоб муаллифи ҳам ана шундай фидойи кишилардан бири эди. И.Йўлдошев собиқ иттифоқ Бош прокуратураси махфий бошқармасидаги фаолияти давомида Гдлянчиларнинг қонундан ташқари ишларини фош қилишга ҳаракат қилганига кўп ғувоҳ бўлганман.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Исматилло Йўлдошев таниқли ижодкор. Унинг китоблари, 2007 йилда "Шарқ НМАҚда" чоп этилган шеърлар, рубоийлар, киносценарийлар, қиссалар, бадиҳа, рисола ва бадиий лаҳзалари жамланган уч жилддан иборат "Танланган асарлар" ўз ўқувчисини толган. Унинг асарлари асосида "Ўзбектеlevision" томонидан яратилган фильмларда муаллифининг ўзи бош ролни ўйнагани ҳам муҳлисларида катта қизиқиш уйғотган.

Афсуски, ҳаёт дегани ўткинчи, инсон бу дунёга келиб-кетувчи меҳмон экан. Жорий йилнинг 29 июль куни Исматилло Йўлдошев 70 ёшида оламдан ўтди. Биз унинг оила аъзолари ва муҳлисларига ҳамдардлик билдирамиз. Уйлаймики, адолат ва ҳақиқат қуйчиси Исматилло Йўлдошев ёзиб қолдирган асарлар унинг тирикчилигини абадиётга айлантиради.

Абдукамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси